



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
19 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 83
(12.407)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Жамоат фонди томонидан 2011 йилда эълон қилинган иккита грант танлови якунлари, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишига доир масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А. Саидов ва бошқарла Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мажлис Парламент комиссиясининг тузилиши жамоат ташкилотларини ривожлантиришга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошқорла, аниқ йўналтирилган ва демократик асосда тақсимлашга хизмат қилмоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини иқтисодий жиҳатдан мустақиллашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлари, танловлар таълим, маданий-маърифий, ҳуқуқшунослик, соғ-

лиқни сақлаш, экологик йўналишдаги жамоат ташкилотларининг илғор гоя ва ташаббусларини ҳаётга кенг татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида жорий йилда эълон қилинган навбатдаги танловда тўқсонга яқин жамоат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш каби долзарб йўналишлар қамраб олинган.

Жамоат фонднинг ёш авлоди баркамол этиб вояга етказишга кўмаклашиш, мустақил фикрлайдиган, қатъий фуқаролик позициясига эга йигит-қизларни тарбиялашга қаратилган грант танловида эса юртимиздаги 100 нодавлат нотижорат ташкилотининг лойиҳалари кўриб чиқилди. Ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш, битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турархона ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, болаларнинг истеъдодини эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзи гояларини мустақам қарор топтириш каби мавзулар мажкур лойиҳаларда ўз аксини топган.

Парламент комиссияси томонидан ҳар икки танлов бўйича жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг умумий миқдори 650 миллион сўмлик 46 лойиҳасини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«КАМАЛАК» ЖИЛОЛАРИ

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, турли иллатлар таъсиридан асраш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бора-сида кенг қўламли ишлар амалга оширишмоқда.

Айниқса, ёшларнинг яхши таълим-тарбия олишлари, юксак маънавиятли бўлишлариغا алоҳида эътибор қаратиляпти.

Вилоятимиздаги болаларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқаришда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилот кенгаши ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, "Камалак" ёш авлодни "Олтин мерос", "Маънавият-маърифат", "Меҳр шафқат", "Ватанпарвар", "Умид", "Соғлом авлод" каби тадбирлар доирасида бирлаштириб, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини ўстиришга ҳисса қўшаёпти.

Ташкилот бугунги кунда вилотимиздаги 884 та умумтаълим мактабларида тахсил олаётган 10-14 ёшга ча бўлган ўқувчиларнинг 183 минг 89 нафарини ўз аъзоллигига қабул қилиб, қўллаб-қувватлаш амалига оширмоқда, акция ва анжуманлар ўтказмоқда.

Дилором АБДУГАФФОРОВА.



ИМКОНияТ, ИМТИЁЗ – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, бугун соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг техник жиҳатдан янгилашиб бораётгани яхши самара бераёпти.

Бу эса, ўз навбатида нафақат ички бозорлар, балки хорижга ҳам маҳсулот ҳамда хизмат турлари экспорти орттиришда, шунингдек, корхоналар фаолиятининг янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Пискент туманидаги "Меҳнат" масъулияти чекланган жамияти иш бошла-

ганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, унинг ўз харидорлари бор.

Бу ерда турли хил лак-бўёқлар қадокланади. Цех йилига 125 тонна лак-бўёқни қадоклаш қувватига эга.

– Юртимизда иқтисодий муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш учун барча имкониятлар, шарт-

шароитлар яратилган, – дейди жамият раҳбари Тўхтамурод Хўжаев. – Бундан ташқари, фуқароларнинг иқтисодий эркинликлари, тадбиркорлар мустақиллигининг конституциявий асослари белгилаб қўйилган. Шундай экан, ишлаш истаги борлар бундан унумли фойдаланишлари лозим.

Цех қўллаб қорхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, қадоклаш тизими сифат андозаларига тўлиқ жавоб беради. Унда фаолият кўрсатаётган 10 га яқин ишчи-хизматчи ҳам яратил-

ган қулайликлардан мамнун. Қолаверса, уларнинг ойлик маошлари ҳам кўнгилдагидек.

Дарвоқе, жамият "Микрокредитбанк"дан 25 миллион сўм кредит олиб, ишни янада кенгайтиришга, унумдорликни оширишга киришди.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: ишчилар Абдусамид Ҳасанов, Раҳман Эшонов ҳамда Минавар Мўминов.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЛИЦЕНЗИЯЛАР УЧУН ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатиши такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган "Телерадиоэшитириш соҳасида радиочастота спектрини самарали фойдаланиш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшитириш соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эжа тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарканд, Сурхондарё, Хоразм,

Фарғона, Навоий вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан жами 19 радиочастота бўйича тушган буюртмалардан кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

Комиссия томонидан телерадиоэшитириш тармақларидаги хизматлар кўрсатиш билан шугулланган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, Комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА.

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида узлуксиз таълимни янада ривожлантиришнинг педагогик масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган мажкур конференцияда таълим тизими раҳбарлари, олимлар, ўқитувчилар, услубчилар иштирок этди.

Бунда ўқитиш жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув дастурларидаги мавзуларни оптималлаштириш, машғулотларнинг сифатини янада яхшилашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга оид кенг

қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Муваффақиятли амалга оширилаётган "Устоз-шогирд мактаби", "Дарс – муқаддас" сингари маърифий лойиҳалар педагогикадаги энг илғор услубларни амалиётда қўллаш, мавзуларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конференцияда ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, электрон дарсликларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида кенг қўллаш, фанлараро интеграцияни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА.

ЧЕХИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 17 октябрь кунини мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Таълим, фан, маданият, инсон ҳуқуқлари ва муҳофизат қўмитаси раиси Яромир Ермар раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўллаб-қувватлаш қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Чехия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга доир масалалар муҳокама қилинди. Фан-таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

– Таърифимиз асосида Ўзбекистонда фан, таълим, маданият соҳалари изчил тараққий этаётганини, аждодларининг бий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданият ёдгорликларини асраб-авайлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оши-

рилаётганини кўрдик, – деди Яромир Ермар. – Мамлакатимизда шахар ва қишлоқлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Шу кунини Чехия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Чехия делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтда ҳам учрашувлар ўтказди.

ЎЗА.

ЯРМАРКА ВА БИРЖА ХИЗМАТИ

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙСА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎСАДИ

Тошкентда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа (ХСЯКБ) иш бошлашига санокли кунлар қолди

Бугун катта-кичик ривожланган ёки мустақил тараққий йўлига эндигина ўтган мамлакатлар ўз қобилига ўралиб, яхши-ёғли ривожлана олмайди. "Ўз бошига ёган қорни ҳар ким ўзи курайд" деган ақидадан чекиниб, ҳозирги кунда жаҳонни исканжага олаётган жиддий молиявий ва иқтисодий тангликни бартараф этиш, унинг кучли "огрикларини" биргаликда даф этиш учун катта-кичик мамлакатлар тобора яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганини бунинг ёркин далилидир.

Ўзбекистон мустақил тараққийнинг дастлабки босқичидаёқ олис-яқин мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари билан интеграциялашув йўлини танлаб, қадамба-қадам илгариллаб бораётди. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни барқарор тус олдиришда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа кўп жиҳатдан ҳал қилувчи мавқега кўтарилди. Мамлакатимизда уни ҳар йили ўтказиш аънава бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 ноябрдаги "Тармоқ ичида ва тармоқ-

лараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2009 йил 16 январдаги "Ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржани мунтазам ўтказиб бориш, унда шартномалар тузиш ва бошқа дастлабки босқич ва-зифаларини белгилаб, уларга халқаро мақом бериш. Шу билан ярмарка ва кооперацион биржанинг ва-зифалар доираси кескин кенгайтирилди. Эндиликда бу тадбир икки босқичда ташкил этиляпти. Биринчи босқич тармоқлар ва минтақалараро ўтказилмоқда. Иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада ички ва хорижий тадбиркорлар ҳамда ишбилармонлар ўз корхоналари маҳсулотларини намойиш қилиб, ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузишяпти. Тошкентда ўтаётган халқаро ярмаркага хорижий ишбилармонларнинг қизиқиши ҳам йил сайин ортиб бораёпти.

(Давоми 2-бетда).

ЎРТАСАРОЙЛИКЛАР ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКДАН МАМНУН



"Меҳр нури" жамоат жамғармаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик муассаса биноларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашда ташаббус кўрсатишда давом этмоқда.

Жамғарма ташаббуси ва хомийлигида шифона, поликлиника, болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа ижтимоий муассасаларга кўмаклашишга қаратилган қўллаб-қувватлаш амалига оширилмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Ўртасарой қишлоғи ахли ҳам қишлоқ врачлик пункти замонавий усулда қайта таъмирла-ниб, янги тиббиёт асбоб-ускуна-налари билан жиҳозланиши мисолида "Меҳр нури" жамғармаси гамхўрлигини ҳис этдилар.

Шифо маскани шу йилининг

тўққиз ойи давомида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий усулда пардозланган физиотерапия, муолажа, шифокорлар хоналари, лаборатория зарур янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. УЗИ, ЭКГ аппаратурлари, стоматология хонаси учун БОР машинаси, рентген аппарати ва бошқа ускуналар олиб келинди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: ҚВПнинг очилишидан лавҳалар.



21 ОКТАБРЬ - "ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА"ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ТИЛ БОЙЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганига йигирма икки йил тўлди

Эътироф этиш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришишдан анча илгарироқ, она тилимизнинг асл нуфузини тиклаш, туб ёрли аҳолининг 90 фоизи сўзлашадиган бу тилга давлат тили мақоми бериш истаги куртак ёзиб, халқимизнинг эзгу ораусига айланди.

Бу бежиз эмасди. Халқимиз, таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний эганидек: "Миллий тилини сақламак бир тарафда турсун, балки уни кундан-кун унутмакда ва йўқотмакда" эди. Аҳолисининг 75 фоизини ўзбеклар, 15 фоизини ўзбек тилида яшай гапирадиган, ёзиб-ўқийдиган тожик, қорақалпоқ, озарбайжон, уйғур ва яхудиелар ташкил этувчи Ўзбекистонда, хатто, оддий ариза ҳам рус тилида ёзилиши одат тусига кирганди.

Шундай бир пайтда, 1989 йилнинг 21 октябрыда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Исрол Каримов она тилимизни Давлат тили даражасига кўтариш масаласини тўла асослаб берди ва шу сессия "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Бу қарор халқимиз ўзлигини англаши, асл қадриятларимизни тиклаш, миллий мустақилликка эришиш йўлида дастлабки дадил қадам бўлди. Албатта, янги қонунни амалга ошириш осон кечмади. Бунинг учун катта

ташқилий-маърифий ишларни амалга ошириш, энг муҳими, бошқарув идораларида ўзбек тилида иш юритишни йўлга қўйиш юзасидан амалий чоралар кўриш керак эди. Шу боис, аввало, фуқаролар, қолаверса, русийзабон аҳоли ўртасида давлат тилини ўрганишга қаратилган кенг кўламли сайёҳаракатлар бошланди.

Мустақиллик йилларида эса, ижтимоий тараққиёт ва давр талаблари асосида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни янада такомиллаштириш, тегишли ўзгаришлар киритиб, мукамаллаштириш эҳтиёжи туғилди. 1995 йилнинг 21 декабрыда республика Олий Мажлиси бу Қонунни янги тахрирда қабул қилди. Унда Ватанимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари давлат тилини ўрганиб, ўзлаштириши муддатлари узайтирилди. Ҳозир ҳам унда белгиланган вазиёларни амалга ошириш йўлидаги сайёҳаракатлар давом этаёпти.

Айни пайтда мамлакатимизда яшовчи бошқа халқларнинг миллий тилларини, маданият ва урф-одатларини тиклаш ҳамда ривожлантириш, хорижий тилларни ўрганиш учун ҳам кўп иш қилинётди. Миллий маданият марказлари бу борада аниқсиз фаол қаракат қилишаёпти. Бу жараён мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустах-

камловчи қудратли омилга айланиб бораётгани кувончлидир. Бугун вилотимиз мактабларида ўқитиш беш тилда олиб борилаёпти. Болалар бошқа тилларда ўқитилаётган мактабларда давлат тилини ўргатишда етарли тажриба тўпланди.

Тил билан маънавият узвий боғлиқ. Тилга эътиборсизлик, улуг бобомиз Алишер Навоий ёганларидек, элга эътиборсизликдир. Кундалик фаолиятда Қонун талаблари оғишмай бажарилиши маданий-маънавий савия мезони эканини асло унутмаслик керак. Буни аниқсиз, раҳбар ҳодим, етакчи ва ишбилар хамиша ёдда тутишлари, Қонуннинг тўла ижросини таъминлашлари зарур.

Тилимиз Давлат мақомига эга бўлган йилларда туғилган фарзандлар бугун мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётига тобора дадил кириб келмоқдалар. Бу авлоднинг бахти шундаки, йигит-қизларимиз ўз хохиш-иродалари, орзу-истаклари, истиқбол режаларини ўз тилларида ифодалаш ҳуқуқига эгалар. Янги-янги авлодлар асло унутмасликлари керакки, бу бахтни кўз қорачиғида асраш, она тилимизни ардоқлаб ўрганиш, муттасил бойитиб бориш Ватан олдидаги шарафли бурчдир.



ЎРТАСАРОЙЛИКЛАР ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКДАН МАМНУН

Лаборатория зарур воситаларга эга бўлгани туфайли биохимик таҳлиллар шу ернинг ўзига ўтказилди. Эндликда беморлар бирор аппаратга тушиш ёки зарур таҳлил учун туман марказига бориб овера бўлмайдилар. Кунга кеча қишлоқ врачлик пункти ховлиси қишлоқ аҳли, тиббиёт ҳодимлари ва меҳмонлар билан гавжум бўлди.

– Бугун қишлоғимиз аҳли (Давоми. Боши 1-бетда).

ва жамоамиз аъзоларининг қувони ва ҳаяжонлари чексиз, – деди тантанали очилиш маросимида ҚВП мудири Икром Қаршибоев. – Ахир, қувонмай бўладими? Қишлоқ амбулаторияси 40-йилларда қурилган 4 хонали бинода фаолият кўрсатди. 1994 йилда шу икки қаватли бино қурилиб, кўчиб ўтганди. Мана ордан 17 йил ўтиб, у замонани ўзига қайта таъмирланиб, қишлоқ аҳли янги қулайликларга эга бўлди.

– Тиббиёт соҳасида 36 йил ишладим, – дейди меҳнат фахрийси Зоҳида Аҳмедова. – Бугун яратилган шарт-шароитни кўриб, яна ёшариб, ишлагани келмоқда. Шундай гавжумлик учун "Меҳр нури" жамғармаси раҳбариятига қишлоғимиз аҳли номидан миннатдорчилик билдираман.

"Меҳр нури" жамоат жамғармаси бошқаруви раиси Азизбек Саъдуллаев жамғарма амалга ошираётган ишларга тўхталиб, ўртаса-

роийликларни замонавий усулда қайта таъмирланиб, янгидан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти биноси фойдаланишга топширилиши билан қутлади.

Қишлоқ врачлик пунктининг биринчи миждози уруш ва меҳнат фахрийси, 95 ёшли Мўмин ота Жалилов бўлди. У шукроналик билан шифокор кўригидан ўтди.

Жамбул КУРБОНБЕКОВ.
Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

ТАРҒИБОТ ВА ЁРДАМ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилотимиз қишлоқ врачлик пунктларини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, дори-дармонлар билан таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, спорт мусобақалари, оила қуриш силрлари, репродуктив саломатлиги ва соғлом оилани шакллантириш, бўлажақ оналарга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериш, уларни туғуруқ жараёнига қадар тиббий текширувдан ўтказиб туриш, бўлажақ келин-куёвларга маслаҳатлар, никоҳ-олди тиббий кўрикнинг аҳамияти, "Соғлом она – соғлом бола" мавзуларида давра суҳбатлари, кўрик ҳамда тadbирлар ўтказилмоқда. Айниқса, ҳозирги кунда энг дол-

зарб муаммо – ёш йигит-қизлар, оила қурувчи ёшлар саломатлиги, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари ҳақида ФХД, тиббиёт бирлашмалари билан бирга тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Жамғарманинг вилот бўлими шаҳар ва туманлардаги барча таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, маҳаллаларда "Саломатлик кўни" ташкил этиб, шифокорлар, мутасадди идоралар ҳодимлари иштирокида савол-жавоб кечалари ўтказаяпти.

Жамғарманинг тиббий-

ижтимоий патронаж тизими шифокорлари ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган аскарларнинг оила аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказишди. Шунингдек, Бустонлик, Чинноз, Янгийул туманлари ва Ангрен шаҳрининг чекка ҳудудларидаги қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчи аҳоли, фертил ёшдаги аёллар, болаларнинг саломатлиги текшириб кўрилди.

Уруш ва Чернобил ҳалокати қатнашчилари, кам таъминланган, ногирон фарзанди бор оилалар, чин етим болалардан хабар олиниб, уларга тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЯРМАРКА ВА БИРЖА ХИЗМАТИ

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙСА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎСАДИ

Вилотимиз санатчилари бу ярмарка ва кооперация биржаларда тобора кўпроқ иштирок этишаёпти. Чунинчи, ўтган йили минтақаларда ўтказилган ярмаркаларда 98 корхона қатнашди. Бу йил эса, уларда 130 та ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини намойиш қилиши қутияпти.

Санатчиларимизнинг Халқаро ярмаркалардаги иштироки ҳам кучаймоқда. Ўтган йили IV Халқаро санат ярмаркаси ва кооперация биржада 25 та корхона ўз маҳсулотларини намойиш қилиб, 18 та корхона ички ва хорижий ҳамкорлар билан маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар тузди. Ҳозирча V ХСЯКБда иштирок этиш юзасидан 23 та буюртма олинди.

Тузилган шартномалар иқтисодийтимиз ривожига қандай ҳисса қўшаётгани шундан ҳам кўрса бўладики, 2010 йили вилотимизда ўзaro ҳамкорлик шартномалари бўйича 15 миллион 953,2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилган бўлса, бу йилнинг ўтган тўққиз ойидаёқ йиллик ҳамкорлик режалари 96,1 фоизга бажарилиб, бу кўрсаткич 18 миллион 303,9 миллион сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, бу (Давоми. Боши 1-бетда).

ярмарка ва кооперация биржаларнинг ўтказилиши санат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга салмоқли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар уларда қатнашиб, янги-янги ҳамкорлар топиш, фойдали шартномалар тузиш, ўз маҳсулотларининг сотилиш географиясини кенгайтириш имконига эга бўлаёттирлар. Масалан, ўтган йили Халқаро санат ярмаркаси ва кооперация биржада вилотимиздан маҳаллийлаштириш дастурига қиртилган 12 та корхона 38 турдаги маҳсулотларини намойиш қилди.

Тажриба ярмаркада яратилган шартномаларнинг қулайлиги, корхоналарга ўз маҳсулотларини намойиш қилиш, янги харидорлар ҳамда хом ашё етказиб беришчи ҳамкорлар топиш, улар билан кооперация алоқаларини янада ривожлантириш учун яхши имконият эканлигини амалда тасдиқлади. Шу боис, бу йилги ярмаркада вилотимиздаги 61 та корхона 102 турдаги маҳсулот билан иштирок этиши қутияпти. Бу корхоналарнинг 21 таси маҳаллийлаштириш дастури бўйича маҳсулот ишлаб чиқараётти, улар 57 турдаги маҳсулотларини намойиш қилиш ниятида.

Ҳозирча "Азияэлектронергия" илмий-ишлаб чиқ-

риш корхонаси трансформаторлар, подстанциялар, тақсимлаш қурилмалари, "Олмалиқметаллостроукция" маъсулияти чекланган жамияти нефть маҳсулотларини сақлагичлар, "Медиз АГ" маъсулияти чекланган жамияти бир мартикал шприцлар, инфузион системалар, "Хай тегабель" маъсулияти чекланган жамияти кабель маҳсулотлари, "Нур" илмий-ишлаб чиқариш фирмаси элеватрдаги дон ҳароратини назорат қилиш тизими, "Пластери техноложи" маъсулияти чекланган жамияти иссиқ ва совуқ сувлар учун пластмасса қувурларини намойиш қилиш учун буюртмалар берди.

Тadbиркорлар фаолият доирасини кенгайтиришлари учун ярмарка катта имконият, албатта. Намойиш қилинаётган маҳсулотлар нома-ном ХСЯКБ сайтига жойлаштирилади. Бу, шубҳасиз, шу маҳсулотлар рекламаси демекдир.

Қолаверса, ўтган ярмаркада ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш учун шартномалар тузган "Азияэлектронергия", "Медиз АГ" ва "Mehtat Pivo" корхоналари хориждан хом ашё келтириш учун маблағларни конвертация қилиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида амалий ёрдам олишди. Бу ҳам ишбилар-

СОҲА ТАКОМИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда сурункали бош мия қон айланиши бузилиши билан боғлиқ касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг самарали технологиялари бағишланган республика илмий анжумани ташкил этилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра, кейинги йилларда аҳоли орасида сурункали бош мия қон айланиши бузилиши туфайли келиб чиқадиган инсульт хасталиги кўпаймоқда. Айтиш ўринлики, юртимизда ангионеврология соҳаси изчил ривожланаётганлиги бу хасталикка чалинган беморларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатиш учун қўл келмоқда.

Юртимиз шифокорлари, хориж мутахассислари иштирок этган тadbирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, бирламчи шифо масканларининг фаолият қўламини кенгайтириш ва халқимиз саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Бу борада Президентимиз Исрол Каримовнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони соҳадagi ишлар самарадорлигини оширишда асос бўлаётганлиги ҳам сўзга чиққанлар томонидан тилга олинди.

Анжуманда ангионеврология йўналишида бош мия хасталиклари бирбақат аниқлаш, олдини олиш ва ўз вақтида даволаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланган ва муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс".

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Тил, тараққиёт, маънавият" мавзусида маънавий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши "маъруза партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда Қонунчилик палатаси депутатлари, тилшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Муҳаммадиев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари У. Мирзаев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири С. Сайид ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни ватанлар-

варлик руҳида камол топтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишларда она тилимизни янада раванк топтириш масаласи муҳим ўрин туттигини алоҳида таъкидлашди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўларок, она тилимиз бебаҳо маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик сифатида қадр ва эъзоз топди. Тилимизнинг соғлигини сақлаш, бой имкониятлари, жозибаси ва бетакрор ўзгаллигини таъкид этишга доир кенг кўламли илмий изланишлар олиб боришмоқда, луғатлар чоп этилмоқда. Айни пайтда жаҳоннинг нуфузли университетлари, тилшунослик марказларида ўзбек тили кенг ўрганилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, кор-

хона, муассаса ва ташкилотларда иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида олиб боришмоқда. Юртимизда истекомат қилувчи бошқа миллат вакилларида ўзбек тилини ўргатиш ва ўқитиш бўйича кенг кўламли чора-тadbирлар амалга оширилмоқда. Тadbирда жойлар, муассасалар ва транспорт воситаларидаги ёзувлар, лавҳалар, реклама маҳсулотлари, барча турдаги ахборот ва тарғибот материалларининг миллий қонунчилик ҳужжатларида мос бўлишини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Маданиятимиз ва маънавиятимиз асоси, миллий ўзгилчимиз кўзгуси бўлиши она тилимизни асраб-авайлаш, бу борадаги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ў.А.

ДАВЛАТ ГРАНТИ СОҲИБЛАРИ

ТАБИАТНИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Олимларнинг эътироф этишлари қараганда, кoinотда мавжуд сайёралар орасида фақат Ерда, бизнинг она заминимизда ҳаёт бор. Чунки, ҳаёт учун зарур бўлган унсурлар: тоза ҳаво, иқлимлик суви ва триқиликнинг барча эҳтиёжларини қондирувчи муқаддас тупроқ бор. Қурран

заминимиз ҳаётнинг олий мавжудоти – Инсон тофаккури билан кўпгина кечимишларга, яхши-ёмон муносабатларга дучор бўлиб туради. Салкам 40 йилдан буён "Бутунжаҳон атроф-муҳит кўни"нинг жаҳон ҳамжамияти томонидан нишонлаб келинаётгани бежиз эмас.

Бу масалага Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан бошлаб алоҳида эътибор берилиб, жиддий муносабатда бўлишмоқда. Юртимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафоллари" асарида таъкидланганидек, "Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугунги ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига кирди".

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан табиат муҳофазаси ва экологияга доир тadbирлар, уларнинг матбуотда ериштирилиши бўйича эълон қилинган талловда вилотимиз жамоатчилик ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб, грант соҳиб бўлдилар. Улардан бири

Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг наشري "Чирчиқ тонги" газетаси тахририяти "Энг иқтидорли эколог муҳбирлар" номинатсияси бўйича голийбликни қўлга киритиб, 10 миллион сўмлик грантга эга бўлишди. Бу ҳақда газета муҳбири Салима Яминова шундай дейди:

– Тахририятимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёшларнинг экологик маданиятини ошириш" мавзусида қатор мақолалар чоп этилди. Шаҳар ҳокимлиги, "Маънавият ва тарғибот" маркази, Давлат санитария эпидемиология назорат маркази, табиатни муҳофаз қилиш бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Қамолот" ЁИХ мактаб, коллеж, лицей ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли тadbирлар ва экологияга оид маълумотлар газетаси саҳифаларида ёритиб борилди. Айниқса, таллов эълон қилингандан кейин муҳбир-

ларимиз янада фаоллашди. Шу қўнғача экология ва табиатни муҳофаз қилишга оид эълон қилинган мақолалар 100 дан ошди. Муаллифлар орасида мутахассис олимлар, депутатлар, турли касб эгалари, ўқитувчи ва ўқувчилар, жажжи кичкинтой-ларча бор. "Она табиат – давлат муҳофазасида" (Сергей Самойлов, Жуманазар Отажонов), "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар муҳокама-сида" (Олижон Ўсаров), "Табиатни асраб-авайлайлик" (Дилнавоз Нажимов), "Она сути – табиат неъмат" (Қаршидон Абдурахмонов), "Фарзандимиз соғлиғи ўз қўлимизда" (Наргис Қосимова), "Тоза ҳаво" тadbирини яқундан" (Олижон Тоҳиров), "Атмосферани заҳарловчи чиқиндилардан муҳофаз қилинг" (Лутфия Эшпўлатова, Салима Яминова) каби экологик хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор қаратиш мавзусидаги чиқишлар беса-

мар кетмади. Уни шахримиз табиати, яшил олами, тоза-озода кўчаларига боқиб, дилдан ҳис этасиз. Шу ўринда талловда голийблик, давлат гранти жамоамиз аъзоларига кўтаринки руҳ бағишлагани ҳам таъкидлаш жоиз. Мақсадимиз бундай чора-тadbирлар аввало инсон учун, аҳолининг соғлом турмуш тарзи, барқарорлиги учун қилинаётганини тушунириш, тарғиб этиш.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Фикримизни юқорида қайд этилган мақолалардан бирида келтирилган Юртбошимизнинг сўзлари билан яқунлаш ўринлидир.

"Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш – бизнинг фуқаролик бурчимиздир".

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мамлакатимиз мустақил-лигининг ҳар бир йили юртимизда миллий давлатчилигимизнинг мустақамла-ниши, демократиянинг шаклланиши ва иқтисодий ривожланиши даври сифатида тарихга муҳрланмоқда. Миллий давлатчилигимизнинг шаклланишида халқимизнинг асрий маънавий манбалари, буюк аждодларимизнинг жaxon тамаддунига қўшган бекиёс ҳисса-си муҳим ўрин тутди. Ва-танимизнинг бой тарихи, халқимизнинг бетакор қадриятлари, буюк аждодларимиз мероси мустақил Ўзбекистоннинг янги давлатчилиги босқичида мустақам асосдор. Соҳибқирон Амир Темур халқимиз да-ҳосининг ана шундай ёрқин тимсолидир.

Президентимиз Исло-м Каримов раҳнамолигида та-рихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хо-ти-расини эъзозлаш, мероси-ни асраб-авайлаш ва кел-гуси авлодларга етказиш масаласига алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Миллий давлатчилигимиз тарихини тадқиқ этиш борасида амал-га оширилган кенг қўламли ишлар самараси-да Амир Темур шахси, жа-ҳон тарихидаги ўрни, хал-қимиз, Ватанимиз олдида-ги хизматлари қадр топди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1998 йили Амир Темурнинг 660 йил-лик юбилейининг кенг иш-шонланиши, Тошкент ша-ҳида Темурийлар тарихи давлат музейининг бунёд этилиши бобокалонимизга нисбатан тарихий адолатли қарор топтириш борасида-ги ана шундай муҳим ва эзгу ишлардан бўлди.

Темурийлар тарихи дав-лат музейининг бетакор меъморий ечимида бой та-рихимиз ва бугунги озо-д ҳаётимиз ўз ифодасини топ-ган. Қадим макбарларимиз маҳобатини эслатувчи мо-вий гўмбаз айни пайтда мусаффо осмонимиз, ёруғ келажакимиз намоёнидир. Бинонинг ташқи деворига ишланган нақшларда "адо-лат", "маърифат", "диё-нат", "оқибат" каби эзу-лиқка чорловчи ҳамда Амир Темур юртдан оидлона сийсатини акс эттирувчи сўзлар битилган. Музей эътибор ҳолда бизни бо-шимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб, буюк аждодларимиз билан фахрланиб, айни чоғда уларга муносиб бўлиб яшашга ундайди.

Музей фонди ранг-ба-ранг экспонатлар, ноёб озоратиларга бой. Амир Темур ва темурийлар дав-латининг қудратидан дало-

лат берувчи ушбу матери-аллар ўша даврдаги бунёд-корлик ишлари ва улкан маънавий меросни ҳаққо-ний ўрганиш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, улуг аждодларимизга ҳурмат ру-ҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз таъкидла-ганидек, бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ҳам буюк истиқбо-лимиз ҳам бахисоли кўзга-да акс этгандек намоён бўлади.

Музей фондидан 4 минг-га яқин экспонат ўрин ол-

Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак".

Шаҳрисабз ва Самар-қанддан топишган қадимий бинолар қопламалари на-муналари, улардаги безак-лар ва ранглар олти юз йилдан кўпроқ вақт ўтса-да ўз ҳолатини ўзгартирма-ган ҳар қандай кишини ҳай-ратга солади. Ўша даврга оид қимматбаҳо матолар, олтин, қумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идиш-лар, уй-рўзгор ва заргар-лик анжомлари Амир Темур нафақат буюк давлат ар-боби, балки илм-фан ва



БҲЮК ТАРИХИМИЗ КЎЗГҲСИ

Президентимиз Исло-м Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи очилганига 15 йил бўлди

ган. Улар орасида Амир Темур ва темурийлар дав-рига оид қўллаб ноёб қўлэмалар, ёзишмалар, қумуш ва мис тангалар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, қурол-ярғоқ, чолгу асбобла-ри, этнографик буюмлар бор. Мамлакатимиз ҳудуди-да олиб борилган археоло-гик қазилмалар пайтида то-пишган ашёлар, шунингдек, қўллаб юрдошларимиз то-монидан тақдим этилган тарихий, маданий аҳамият-га эга буюмлар эвазига музей фонди йилдан-йил бойиб бораётди. Шунинг-дек, чет элларда сақлана-ётган маданий ёдгорлик-ларни юртимизга қайтариш, нусхаларини яратиш бо-расида ҳам ишчилар олиб боришмоқда.

Амир Темур халқро сав-до-иқтисодий алоқаларни кенг микёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этишни мақсад қилган. Со-ҳибқироннинг Франция ки-роли Карл Vга йўллаган хатидаги қўйидаги сатрлар-га эътибор беринг: "Сиз ўз савдогарларингизни менинг сатанатларига юборинг. Биз уларни олиқ қарши-олиб иззат-иқром қўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарлари-мизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат қўрсатинг, уларга ортиқча таъкидлар қилини-шига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ.

хунармандчилик ҳомийси бўлганини ҳам қўрсатиб ту-рибди.

Қўрғазмадан ўрин олган "Буюк Соҳибқирон" – буюк бунёдкор" мавзусидаги уч қисмдан иборат расмда буюк бобомизнинг турли даврлардаги ҳаёти тасви-рланган. Президентимиз Исло-м Каримовнинг Амир Темурга бўлган ҳурматини ифодаловчи дил сўзлари ва "Темур тузуқлари"дан кел-тирилган намуналар уни мазмунан бойитган.

– Кенг қамровли илмий-амалий, маданий ва маъри-фий йўналишда тадқиқотлар олиб бориш, буюк Соҳиб-қирон ва темурийларнинг жаҳон илм-фани ва мада-ниятига қўшган улкан ҳис-сасини намоийш этадиган турли қўрғазма ва анжуман-лар ўтказиш музейи фаоли-ятининг асосий йўналишла-ридандир, – дейди Тему-рийлар тарихи давлат му-зейи директорининг ўрин-босари Сурайё Ўлжабоева.

– Ўтган даврда музейда бир неча ўнлаб қўрғазма-лар ташкил этилди. Айниқ-са, "Ноёб қўлэмалар ха-зинасидан", "Амир Темур – Киливоҳ – Самарқанд", "Хо-риждаги меросимиз", "Шоҳруҳия топилашлари" каби, қўрғазмалар томоша-бинларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Фран-ция, АҚШ, Германия, Авс-тралия каби мамлакатларда ўтказилган халқро қўрғаз-маларда музейимиз ўзи-

нинг нодир экспонатлари билан иштирок этди.

Ушбу музей мамлақати-мизнинг Ноёб илмий объектлар рўйхатига кири-тилган. Музей жамоасининг турли мамлакатларда Амир Темур меросига бағишлаб олиб борилаётган илмий ишларни чуқур ўрганиш, темуршуносликнинг энг муҳим қирраларини тадқиқ этиш борасидаги изланиш-лари алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, "Темурийлар даври ренессанси" мавзу-идаги тадқиқот натижалари асосида "Темурийлар дав-ри маданий ёдгорликлари", "Амир Темур ва темурий-лар даври: янги тадқиқот-лар" тўпламлари нашр этилди. "Темурийлар дав-ри маданий ёзма ёдгорлик-ларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши", "Ўрта Осиёда китобат санъ-ати тарихидан (темурийлар даврида яратилган асар-ларнинг қўлэма ва тош-босма нусхалари)" каби мавзуларда муҳим тадқиқот-лар олиб боришмоқда.

Мамлакатимизга ташир-ф буюрган олий ва юқори мартабали меҳмонлар, рас-мий делегациялар вақилла-ри юртимизнинг бошқа ди-катга сазовор жойлари қато-ри, Темурийлар тарихи дав-лат музейини ҳам катта қизиқиш билан томоша қилишлар. Улар орасида давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, парламент делегациялари, халқро

ташкilotлар вақиллари, ишбилармонлар, фан ва маданият намояндалари-нинг борлиги тарихимизга жаҳонро ахтиром юксакли-гидан далолатдир.

– Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилар эканман, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаганига, бунёд-корлик ишларига катта эътибор қаратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қил-дим, – дейди Франциялик сайёҳ Жан Пьер Винсен. – Соҳибқирон даври Евро-пада уйғониш жараёнига ҳаёлбахш таъсир этган, жа-ҳон цивилизациясини ривож-га улкан ҳисса қўшган.

Музей мамлақатимиз ёшларининг ҳам севимили масканига айланган. Музей-да аънанавий тарзда ташкил этиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирлар ёш авлод қалбига миллий иф-тиҳор туйғуларини тарбия-лашга хизмат қилмоқда. Мактабгача тарбия муасса-салари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талаба-лар учун ташкил этилаётган турли мавзулардаги экскур-сиялар, жонли дарслар ёшлар учун ҳар томонлама фойдали бўлмоқда.

– Бу музейга набила-рим билан тез-тез келиб ту-раман, – дейди тошкентлик меҳнат фахрийси Малика Авазова. – Фарзандларим-нинг Амир Темур даврини, Соҳибқирон амалга оши-рган улуг ишларини яхши билишларини, бобокалони-мизнинг ҳаёти ва қахра-монликларидадан ибрат олиб яшашларини ороу қиламан.

Ҳар йили ушбу масканга юз минглаб томошабин ташир-ф буюради. Қола-верса, музейнинг расмий веб-сайти, мультимедиа махсулотлари орқали яна минглаб йўналиш Соҳиб-қирон даври тарихини кат-та қизиқиш билан ўрган-моқда. Бу улуг аждодимиз

– Амир Темур сиймоси ҳақида барҳаёт эканлиги-дан яна бир далолатдир. **Анвар САДАДОВ, ЎЗА муҳбири.**

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ

Бобур номидаги маданият ва истироҳат бо-да "Саломатлигин – тоза қўлларингиз" мавзу-ида ижтимоий акция ўтказилди.

Ўзбекистон Республика-си Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Рес-публика Хотин-қизлар қўми-таси, Тошкент шаҳар ҳоки-ми, Германиянинг халқро ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга мактабгача ёшдаги болалар, уларнинг ота-она-лари, педагоглар, шифокор-лар, хотин-қизлар қўмитала-рининг фаоллари таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳоки-мининг ўринбосари, шаҳар хо-тин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдурахимова ва бошқа-лар Президентимиз Исло-м Каримов раҳнамолигида юр-тимизда яратилган ёш ав-лоднинг ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоялаш, уларни соғлом ва баркамол инсон-лар этиб вояга етказиш, мил-латимиз генофондини яна-да соғломлаштиришнинг из-чил ва босқичма-босқич ти-зимини юксак самара бераёт-ганини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш тизими-ни ислоҳ қилиш жараёнида

юртимизнинг барча ҳудудла-рида барпо этилаётган шифо масканлари, оилавий поли-клиникалар, ихтисослашти-рилган тиббиёт муассасала-ри аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли юкум-ли хасталикларнинг олдини олиш, ёшларнинг тиббий маданиятини янада юксал-тиришга хизмат қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишлар-да барча ёшдаги болалар ўртасида соғлом турмуш тар-зи гоёларини тарғиб этиш, уларда ўз саломатлиги учун масъулиятни шаклланти-ришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Саломатли-гин – тоза қўлларингиз" лойиҳасидан қўзланган асо-сий мақсад ҳам болаларни турли мавсумий юкумли ка-салликлардан озодалик ва шахсий гигиена талаблари-га риоя этиш ёрдамида химояланишига ўргатишдан иборатдир.

– Боғчамизда уч юз нафар-га яқин ўғил-қиз тарбиялана-ди, – дейди Олмазор тум-нидаги 395-мактабгача таъ-

лим муассасаси мудираси Шохидат Исоқова. – Барча ёш тоифасидаги гуруҳларда болаларни тозалик ва са-ришталikka ўргатишга катта масъулият билан ёндашила-ди. Шахсий гигиена восита-ларидан тўғри фойдаланиш, тозалikka амал қилиш қоида-лари "Одобнома", "Саломат-лик" машғулотларида содда, раво, кичкинтойларнинг ёш ва дунёқароши, психо-логиясига мос тарзда тушу-нтириб боришмоқда.

Болалик ва саломатлик байрамлари тарзида ўтказилган тадбирда мавзуга оид қизи-карли викториналар, раси-лар қўрғазмаси, қўрик-тан-ловлар, болаларга мўлжал-ланган китобларнинг тақди-моти, иқтидорли ўғил-қиз-лар иштирокида концертлар ўтказилди. Кичкинтойларга китоб ва шахсий гигиена во-ситаларидан иборат совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хо-тин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

ҚОНУН МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда "Кредит ахбороти алмашинуви тўрисида"ги Қонунга бағишланган семинар ўтказилди.

Марказий банк ва Ўзе-кистон банклари ассоциа-цияси ҳамкорлигида таш-кил этилган тадбирда та-ширлик ва идоралар, хал-қаро институтлар, кредит ташкилотлари ҳамда экс-пертлар иштирок этди. Унда Президентимиз томо-нидан имзоланган қонун-нинг кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот бажарилиши борасидаги мажбуриятлари кредит ах-бороти субъектининг кре-дит қобилияти, судов ин-тизоми каби кўпгина ма-салалар муҳокама қилин-ди.

Қонунга кўра, кредит битими бўйича тегишлича қарз олувчи (қарздор), ли-

зинг олувчи, кафил ва ка-филлик берувчи, гаровга қўювчи юридик ва жисмо-ний шахслар кредит ахбо-роти субъектлари ҳисобла-нади. Шунингдек, қонунда берилган аниқ таърифга кўра Кредит бюроси Мар-казий банк томонидан ли-цензияланадиган кредит ахбороти алмашинуви амалга оширувчи ташкилот-дир.

Семинарда экспертлар мазкур қонун халқро ме-донларга мос келиши ва юртимизда самарали ахбо-рот алмашинуви тизимини такомиллаштириш бораси-да ўзаро фикрлашди.

Наргиз АСАДОВА, "Туркистон-пресс"

Утерьяный диплом № 175910, выданный 20.06.1998г. Чирчикским высшим танково-командным инженерным учили-щем на имя Егембердиева Бахтияра Егембердиевича, **СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Государственное унитарное предприятие "CHILONZOR-INVEST", зарегистрированное от-д. Гос. регистрации субъек-тов предпринимательства хо-кимията Чиланзарского райо-на г. Ташкента, расположен-ное по адресу: ул. Бунёдкор, 50 (ИНН 105317081, ОКПО 19879555), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Распоряжение хокима Чилан-зарского района от 08.09.2011г. № 43 Ф).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с мо-мента опубликования данного объявления по тел.: 276-90-08.

ЧП "AKBARON SERVIS SEVARA", зарегистрированное от-д. Гос. регистрации субъек-тов предпринимательства хо-кимията Шайхантахурского района г. Ташкента, распо-ложенное по адресу: ул. Хувай-до, 7, б. (ИНН 301142566, ОКПО 22676034), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 01.10.2011г.).

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Утепинский район, Чиланзар-30, ул. Ковуни.

Утерьяный диплом К № 057066, выданный в 2004 году Куриулиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар колледжом (Алмаларского района) Сабир-Рахимовского района на имя Музафарходжаева Кудратилли Шукруллаевича, **СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Шайхонтохур тумани ТСРПИ томонидан рўйхатдан ўтган "ZERA MEDIA" МЧЖга берил-ган думалок муур йўқолганли-ги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "MEDIA SYSTEM GROUP", зарегистрированное в Мирзо-Улугбекском районе г. Ташкента, по адресу: ул. Хи-мойун 3/3, ИНН 207111365, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания учредителей № 2 от 18.10.2011г.).

Все претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления по тел.: 252-33-23.

МОЛИЯ ТИЗИМИ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос иқтисодий та-раққиёт йўли дунёнинг қўллаб мамлакатлари му-тахассислари томонидан эътифот этилаётгани бе-жиз эмас. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқи-рози шариҳида мамлакатимизда кузатилаётган иқтисодий барқарорликда ҳам аққол намоён бўлди.

Мустақиллик йилларида кенг тус олган иқтисодий ислохотлар натижада барча соҳалар қатори агро-саноат тармоғида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди ва бу жараён изчил давом эти-рилмоқда. Албатта, агро-саноат мажмуаси тармоқла-рини ривожлантиришда "Аг-робанк" очик акциядорлик тижорат банкнинг ҳиссаси катта. Бунинг "Агробанк"нинг Гулбаҳор филиали мисоли-да кўриш мумкин.

– Банкмииз бугунги кун-да вилоятнинг Янгийўл, Қуйи Чирчик, Оққўрғон, Чиноз туманларидаги 1700 дан зиёд қишлоқ хўжалик, саноат, таъминот, тайёр-лов, савдо, қурилиш, транспорт ва бошқа корхо-наларга фаол хизмат қўрсатмоқда, – дейди фи-лиал бошқарувчиси Отабек Ҳакимов. – Бундан ташқа-ри, аҳоли учун ҳам бир қатор хизматларни жорий этганимиз, банк мижозла-рини орасидаги тадбиркор аёлларни, истеъмол ҳамда ипотека кредитлари олган ёш оилавлари, ёш тадбир-корларни ҳам қўллаб-қув-ватлаб келяпмиз.

Мижозларга барча зарур қулайликлар яратиб бераёт-ган банк филиали тадбир-кору фермерларнинг ишончли ҳамкориға айла-ниб улгурди.

– Пахта йигим-терими қизғин тус олган шу кунлар-да ҳар бир дақиқа ганимат, – дейди "Равшанбек Кам-ронбек" фермер хўжалиги раҳбари Р. Ҳамробеков. – Шунинг ҳисобига олган банк ходимлари ҳар беш кунлик-да қабул пунктлариға топ-ширилган пахта учун терим-чиларға тўланадиган нақд

пулни даланнинг ўзига олиб келиб беришаётгани су-рьатини ошириб, ишчимизни енгиллаштиряпти. Бунинг эвазига хўжалигимиз туман-да биринчи бўлиб шартно-ма рехасини бахарди.

Банк филиали фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаб тургани босиқ кишлоқларда қўллаб янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятлари кен-гайиб бормоқда. Йил боши-дан буюн филиал парран-дачиликка 450 миллион, чорвачиликка 290 миллион, уй-жой қурилишига 400 миллион, ҳам таъминланган оилаларга 150 миллион, таълим соҳасига 20 милли-он сўм ва бошқа соҳаларга 1,1 миллиард сўм кредит ажратди.

Мустақилликнинг даст-лабки йиллариданоқ мамла-катимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик со-ҳасини ҳар томонлама ри-вожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳи-да эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, ички бозорни маҳал-лий истеъмол моллари бил-лан тўлдирish ҳамда янги иш ўринларини яратишда, қолаверса, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда банк энг ишончли ҳамкор ҳисобланади.

– 2011 йил Кичик биз-нес ва хусусий тадбиркор-лик йили деб эълон қилган кўпчилик қатори менга ҳам ўз имкониятларини тўла ишга солиб, орзула-ринини рўёбга чиқаришимга ёрдам берди, – дейди "Темур Агро барак" деҳ-

қон хўжалиги раҳбари На-таля Султонова. – Тадбир-корлик билан шуғулланиш мақсадида Гулбаҳор фили-лидан 50 миллион сўм кре-дит олдим. Аҳолиға пар-ҳезиб паррандачилик мах-сулотлари етказиб бериш учун 6 мингта товук харид қилдим. Паррандачилик фермаимиз фаолият бошла-гач, маҳалламиздаги ёш йигит-қизларнинг ўн нафа-ри ишли бўлди.

– Истиклол биз ферме-ларға катта имкониятлар эшигини очиб берди, – дейди фермер Алишер Рис-кулов. – Фермерлиқни 20 бош қорамол боқиш билан бошлагандим. Молинғиз зотли бўлмаса, қўзлаган мақсаднингизга эришолмай-сиз. Тажрибали чорвадор-лар билан маслаҳатлашди, Гулбаҳор филилидан 24 миллион сўм кредит олдим ҳамда 20 бош зотли қорамол харид қилдим. Ҳозир-ги кунда фермаимизда 80 бош зотли қорамол ва 30 бош соғин сигир боқила-япти.

Банк ходимлари аҳоли-нинг бўш турган маблағла-рини омонатларға жалб қилишға ҳам жиддий эъти-бор қаратяптилар. "Муддат-ли", "Жамғарма" ва "Талаб қилиб олинғунча" омонат турлари халққа, айниқса, маъқул бўляпти. Шу билан бирға туманда пенсия ва бюджет тўловларининг 60 фоизи банк ҳиссасига тўғри келади. Аҳолиға пластик картончалар орқали хизмат қўрсатиш, халқро пул ўтказмалари жўнатиш ва қабул қилиш борасида ҳам кенг имкониятлар яратил-ган.

"Агробанк"нинг Гулбаҳор филиали жамоаси хўжанин-г барқарорлиги ҳамда қўрсати-ладиган хизмат турлари қўламини кенгайтириш ор-қали мамлакатимиз иқтисо-дийтини ривожлантиришға ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Аҳмаджон РИХСИБОВ.

СПОРТ



ЎЗБЕКИСТОН БИАТЛОНЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Чирчик шаҳридаги "Жалолиддин Мангуберди" спорт мажмуасида ўтказилган ёнги биатлон бўйи-ча Осиё очик чемпионати аяқуланди.

Беш кун давом этган мазкур чемпионатда Ўзе-кистон миллий терма жа-моаси аъзоларидан таш-қари, Жанубий Корея, Россия, Хиндистон, Че-кия, Қозғистон ҳамда Қирғизистон давлатлари-дан келган спортчилар ўзаро кўч синашди.

Мамлакатимизда Пре-зидентимиз Исло-м Кар-имов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсон-лар этиб тарбиялаш, улар-нинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шу-ғулланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш бо-расида амалга оширила-ётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самарала-рини бермоқда. Бу бора-да Ўзбекистон мудофаа-

сиға қўмаклашувчи "Ва-танпарвар" ташкилоти ҳамда унинг Техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ўтқа-зиллаётган турли спорт беллашувлари юртимиз ёшларининг халқро му-собақаларга тайёргарли-гини янада яхшилаш, юр-тимизда спортнинг тех-ник ва амалий турларини ривожлантириш ҳамда ом-мавийлигини оширишға хизмат қилмоқда.

Юксак савияда ўтган ёнги биатлон бўйи-ча Осиё очик чемпионатида Ўзе-кистон миллий терма жа-моаси юқори натижаларға эришди.

– Мазкур нуфузли му-собақада голиб бўлганим-дан хурсандман, – дейди

ев, Аликбер Юнусов, Ик-ром Аҳмадбоевлар муваф-фақияти иштирок этди.

Шунингдек, қизлар ўртасида қозғистонлик Галина Вишневская, Нар-гиз Илгикова, Жанубий Корея вакиласи Ким Кю-унган, чехиялик Счорна Матясова Павла, эркаклар ўртасида қозғистонлик Диас Кенешев, россия-лик Александр Дедюкин-лар ўз терма жамоалари-ға медаллар тақдим этди.

Чемпионатда умумжа-моа ҳисобида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бешта олтин, бешта ку-муш ва тўққизта бронза медалини қўлга киритиб, биринчи ўринни эгалла-ди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қозғистон ва Россия биатлончилари эгаллади.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 14.03.2011 йилдаги 3779/17-сон ижро варақасига а

XXI ва
аср дунёСАКСОН КИШИ КУЧЛИ
ЖАЛА ҚУРБОНИ

Марказий Америка мамлакатларида кучли жала туфайли юз берган сув тошқинлари ва ер кўчкилари оқибатида камиди 80 киши қурбон бўлди.

Табиий офат кўпроқ Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа давлатлари ҳудудидеда хуруж қилди. Тинимсиз ёққан жала оқибатида авто-трассалари сув босди. Айрим аҳоли яшаш жойлари билан алоқалар узилди қолди. Минглаб оилалар бошпанасидан айрилди. АФР агентлиги шу ҳақда хабар тарқатди.

Сальвадор, айнқиса, катта талафот қўрди. 32 киши ҳалок бўлди. Шаҳарлардан бирида кўчки бешта уйи vayрон қилиб, тўққиз кишининг умрига

ЙЎЛОВЧИ
ПОЕЗДИДА
ЁНГИН ЧИҚДИ

Москва-Хельсинки йўналишидаги ("Лев Толстой") йўловчи поездеда ёнғин чиққанлиги ҳақида хабар тарқатди YLE агентлиги.

Россия-Финляндия чегарасидаги Вайниккала станциясида поезд локомотиивида ёнғин пайдо бўлди. Олов тезда ўчирилди, бироқ йўловчилар поездеги тарқ этолмаяптилар. Чўчки, ёнғин чоғида вагон томига узиллиб тушган сим ҳали зарарсизланганлиги маънавий таъсирлар билан ҳамкорлик қилишди.

Давлатимиз раҳбари таъаббус билан профессионал ижодий жамоалар, театр-студиялар, хаваскорлик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимида жажон андозалари даражасидаги санъат ва маънавий қосоналари, театр бинолари барпо этилди, маъжудлари тубдан реконструкция қилинди. Улар энг замонавий овоз, еритиш, сахна жиҳозлари билан таъминланмоқда.



Ўртасида етиб келиши лозим эди. Аммо, ёнғин туфайли йўловчилар камиди икки соатга кечикадиган бўлишди.

Lapin Kansa берган маълумотга кўра, йўловчилар Хельсинкига автобусларда олиб келинади. Юз берган ҳолисда оқибатлари кун давомида бартараф этилиши кутилапти.

ТЕАТР САНЪАТИ БАЙРАМИ

Тошкентда 17 октябрь куни "Teatre.UZ/2011" Халқаро театр фестивали бошланди

Юртимизда иккинчи марта ўтказилаётган маъзур санъат байрами Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёшлар театри, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Ўзбек-театр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари таъаббус билан профессионал ижодий жамоалар, театр-студиялар, хаваскорлик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимида жажон андозалари даражасидаги санъат ва маънавий қосоналари, театр бинолари барпо этилди, маъжудлари тубдан реконструкция қилинди. Улар энг замонавий овоз, еритиш, сахна жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Бу жараёнда томошабин, айнқиса, ёшлар маънавиятини, бадиий дидини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоялашга йўналтирилган бадиий етук асарларни саҳналаштириш ва халқимизга тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аънавий "Дебют", "Хумо", "Сени куйлаймиз, замондош!" каби ижодий кўрик-танловлар, "Тошкент баҳори" опера санъати фестивали, турли маърифий лойиҳалар истиқлол йилларида эришилган ютуқларни, бугунги тўқин ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишдек улғувзор гоёлари ёш авлод қалбига етказишга хизмат қилмоқда.

Бу йўналишдаги ээгү ишларида Ўзбекистон Ёшлар театри, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси каби ижодий ва жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Иккинчи бор ўтказилаётган "Teatre.UZ/2011" лойиҳасидан қўзланган асосий мақсад ҳам миллий театр санъатимиз, умуман, маданиятимиз ривожий йўлида қўлга киритилган ижодий марралар билан муҳлислар, халқаро жамоатчилиқни яқиндан таништириш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва таъриба алмашиши, маданий-маърифий ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Маъзур фестивал хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу театр байрамида Буюк Британия, Германия, Исроил, Украина, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг ижодий жамоалари ўзининг энг сара спектакллари билан қатнашаётгани бунинг тасдиғидир.

Илм-маърифат, санъат ва маданият маркази, бағрикенг, меҳмондўст дивр сифатида дунёда ном қозонган Ўзбекистонда ўтказилаётган бундай фестивалда иштирок этаётган

нимдан гоёт манунман, дейди "Sherman Symru" театри режиссёри Филипп Маккензи (Буюк Британия). – Ижодкор эиёлилар, маданият ва санъат соҳаси ҳодимларининг бундай ижодий мулоқоти янги ташаббуслар, гоё ва изланишларни юзага чиқаради. Шу маънода "Teatre.UZ/2011" фестивали ўзининг ҳаётбахш ва ээгү мақсадлари билан муҳлислар ва театр фидойиларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлаётир.

Бу йилги фестивалнинг ўзига хослиги – унда Ўзбек миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, Ўзбекистон Ёшлар театри ва бошқа етакчи жамоаларнинг "Ўзбекча рақс", "Майсаранинг иши", "Умар Хайём буржи" сингари спектакллари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар театрлари, ижодий-студияларнинг "Она", "Халқ муҳаббати", "Лайли ва Мажнун" каби сахна асарлари ҳам

намоиш этилади.

Фестиваль кунлари "Марказий Осиёнинг жаҳон театр жараёнидаги ўрни ва аҳамияти. Театр санъатидаги эркин тараққийётнинг 20 йиллик сарҳисоби" мавзuida халқаро форумнинг ўтказилиши замонавий сахна санъати ривожидида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг ўрни, истиқлол йилларида ижодкорлар учун яратилган шароитнинг юксак самараларини атрофчида ўрганиш ва таҳлил этиш имконини беради. "Art Week Style.UZ 2011" санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилган ва 26 октябргача давом этадиган ушбу фестивал ранг-баранг тадбирлар, ижодий учрашувлар, премьералар, давра суҳбатлари ва концертларга бой бўлади.

"Teatre.UZ/2011" фестивали Ўзбекистон Ёшлар театрида Берлин жамоасининг "Ниқоб тазарруси" спектакли намоиши билан бошланади.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

"Бекорчидан худо безор" деган иборанинг маъноси чуқур. Тирик инсон борки, бўш қолмагани, бекор юргандан бекор ишлагани маъкул. Бекорчилик – дангасалиқ, лоқайдлик ва лақмалликнинг доиси. Бемақсад сандираклар юрадиган кимсалардан ҳар қандай "хурмача қилиқ"ни қуттиш мумкин.

Афсуски, айнан шу вақтинча ишсизлик қўрилишида иродаси панд бердимки, бир қалтис қадам қўлдию, қисмати чаппа айланди.

Бошига келган бу кўргуликларни Азиз исмли шахс билан гиёҳвандлик моддаларини сотиш мақсадида жиноий тил бириктирганидан сўнг бошланди.

– Менда наҳд бир килограмм наша бор, – деди Азиз унга. – Харидор топиш керак. Сотсак, камиди 4 миллион сўм пул бўлади. Сен ҳам миҳоз қидир. Топсанг, ўзинг ҳам бир зумда 300 долларли бўлиб қолсан.

300 долларнинг дарагини эшитган Ўлмасжон зийрак торти. Негадир, сундир қор курсиси ва қамқонанинг дағал сўриси эмас, чет элнинг рангсиз, хира долларли кўз олдига келдию, фикр-ўйларини бўш ўралган калавадек чуваланиб кетди. Нима қилсин? Йўқ деса, ўз оёғи билан келиб турган тайёр пулдан мосуво бўлади. Ха, шуниси ажабланишлик, шунча доллар вазифалар ечимини кутаётган бир пайтда Тошкентнинг босқинчилик сийсатини юриятиши яширинча давом этириб, барча шартнома ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузмокда.

Энди Душанбедаги олий мансабли амалдорлар миясида ички орада разиллик ва босқинчиликдан иборат "Барбарос" режасининг пишиб етилиши қолди, холос.

Равил ЧЕЛИКЕНОВ,
www.centrasia.ru

КЎРИБ БОСГАН
ТИКАННИНГ
ЗАҲРИ АЧЧИҚ

мидан келади бундай аянчи оқибатларини билмасмиди? Ахир у олий маълумотли-ку? Биларди, аммо, нафс балоси...

Энди миҳоз излашдан ўзга чора йўқ. Гиёҳвандлик моддалари билан шуғулланувчиларнинг кемегаши чиқиб бўлган. Ундан тушиб қолишининг илоҳий йўқ. Кема нима бўлса, унинг ҳам қисмати шу.

Ўлмасжон зир юғуриб гиёҳванд харидорларини излашга тушди. Бир ношуд ўрни "Овга чиқиш гали менга келганда, тун ойдин бўлди" деган экан. Ўлмасжоннинг ови юришмади. Негаки, "ношуд ови" миҳоз ахтариб юрганда, Бўка туман ички ишлар бўлимининг жиноий қидирув гуруҳига бу ҳақда хабар етиб келган эди. Бўлимда зудлик билан бў олди-сотдига қатъий тўсиқ қўйиш ва жиноятчиларни далилий ашё билан қўлга тушириш учун тезкор тадбир ўтказиш режаси ишлаб чиқилди. Шу режага мувофиқ, икки халис ва "ишончли шахс" қўлга олиш операциясида иштирок этадиган бўлди.

Аммо, У. Пиримкулов ўзига қарши қўйилаётган бу тузоқдан мутлақо беҳабар эди, албатта. Шу боис тезкор тадбир иштирокчилари таркибидаги "ишончли шахс" уни осонгина топиб, гапладди. Олди-сотдининг жойи ва вақти ҳусусида келишиб олинди.

Айтилган жойга белгиланган вақтда етиб берган икки халис ва "ишончли шахс" Ўлмасжон келиши билан гиёҳвандлик моддасини сўрашди. У наша Озизда эканлигини, бориб олиб келиш кераклигини айтди. Лекин, бунга ҳожат қолмади. Азиз ўз оёғи билан келди. Ўлмасжон ундан нашини олиб "миҳоз"га узатган пайтда, оғуфрушлар кутмаган воқеа юз берди. Тезкор гуруҳ аъзолари шу жойда ўзларини таништиришди. "Миҳоз" тезкор гуруҳдаги "ишончли шахс", яъни туман ИИБ жиноят қидирув бўлимининг тезкор ходими экан.

Шундай қилиб, мўмай пулга тузоқ қўйган Ўлмасжоннинг ўзи тузоққа илдинди. Аммо, афсуски, устаси фараз бош оғуфруш Азиз воқеа жойидан қочиб қолишга улғурди. Гиёҳвандлик моддаси туман ички ишлар бўлимига олиб келиниб, таразидан ўтказилганда, вазни 836,9 грамм эканлиги маълум бўлди. Ўлмасжон нашафуршликка ўз ихтиёри билан қўл урганини, уни ҳеч ким

бунга мажбур қилмаганини эътироф этиб, кўрсатма берди.

Бироқ суд мажлисида қораловчи ва гувоҳларнинг сўзларини тинглаган У. Пиримкуловни ваҳима босди. Суд жараёнининг ривожини хийла узок муддатга қамалишдан дарақ берарди. Нима қиларини билмай, доғдираб қолган нашафурш айтибга икдор бўлмай, ёлгон-ашиқ гаплар билан суд мажлисини қалғитишга уринди. "Мени наша эгаси Азизнинг олдида институтда бирга ўқиган дўстим олиб борди, – деди у. – Азиз билан дўстим гапладди, мен уларнинг сўзларини эшитмадим. Шу пайтда машинадан тушган киши ўзининг хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мени ушлашди. Азиз аса қочиб кетди. Мен нашини, ҳатто қўрғаним ҳам йўқ. Фақат уларнинг тахлифини қайтармай, бирга-борган эдим. Гиёҳвандлик моддаларининг сотиш билан ҳеч қачон шуғулланмаганман. Мени оқлашингизни сўрайман".

Килин кир ёрувчи суд мажлиси аниқ ашёвий далилларга таянган ҳолда масалага одилона, яъни қонуний нуқта қўйди. Ўлмасжон Пиримкуловни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор топиб, 13 йил муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш жоизки, Ўлмасжон кўриб туриб тиканини босди. Кўриб босилган тиканининг заҳри аса аччиқ бўлди. Ун уч йил оз муддат эмас. Уйлаймизки, у Ўлмасжонга нима қилиб қўйганини англаб етиши, энг муҳими аса, тўғри халоса чиқариб олиши учун етиб ортади.

Алишер НАЗАРОВ,
жиноий ишлар бўйича
Пискент туман
суду раиси.
Абдусамид ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Утеранный диплом ВСВ 1236570, выданный 26 июня 2006 году Негосударственным образовательным учреждением "Академия права и управления (институт)" г. Москва а также Приложение к диплому ВСВ № 1236570, регистрационный номер 6301 от 14 июня 2006 года на имя Чернева Кирилла Александровича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ООО "CHORSUR-KAFOLAT" (ИНН 300978705, ОКПО 22579420) Алмазарского района г. Ташкента сообщает о выходе из состава учредителей Талипова Бахтияра Шакировича и уменьшении уставного фонда с 243 580 035 сум до 34 000 000 сум. Все претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Беруний, 84.

ЧП "SOVET" per. № 000596-09 от 09.02.2005г., зарегистрированное ИПС Шайхантахуровского района г. Ташкента переименовывается в ООО "SOVET" адрес: г. Ташкент, м-в Беш-Арач 5/14.

Олмасор (С. Рахмонов) тумани ҳисобини 03.05.2001 йилдаги 577-сонли қарори билан давлат рўйхатида олинган "VITOL-SAVDO" шўъба корхонасининг фирмали ном берилган гувоҳномаси йўқолганлиги сабаби

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Фўкарало ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2011 йил 3 августдаги ҳал қилув қарори билан Чиноз тумани "Саховат уйи" маркази устаси фаолиятини тугатиш белгиланган. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддатда Тугатиш бошқарувчиси (К. Дадашев)га қўйидаги манзил бўйича муросжаат қилишлари мумкин. Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Ш. Руставели (собик У. Носир) кўчаси, 93-уй. Тел.: 280-80-18.

ООО "RAVON AVTOYO'LBAPPO" (ИНН 301852054), зарегистрированное при хокимияте Сергелийского района № 002886 от 18.02.2011г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Якубова, 4, ЛКВИДИРУЕТСЯ (согласно протокола № 2 от 18.10.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления.

ЧП "MUSTANG-PERFEKT", расположенное по адресу: Хамзинский район, ул. М. Ашрафий, 7-А, зарегистрированное ИПС Хамзинского района реестр № 000749-07 от 18.08.2005г. (ИНН 205784994) ЛКВИДИРУЕТСЯ (Приказ о добровольной ликвидации № 12/10 от 12.10.2011г.). Претензии принимаются в течение трех месяцев по тел.: 234-07-98.

НИГОҲ
ТОЖИКЧА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

Тожикистон-Қирғизистон чегарасидаги жанжал-тўполон геометрик ўсиш тезлигида кучайиб борапти. Афтидан, бу ҳолат аввалдан атайлаб уюштирилгандаги ўхшайди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳудудий ва ер-сун муаммолари ҳал этилмаётгани, мана бир неча йилдики, мамлакатлар фўкаролари ўртасидаги уруш-жанжалга сабаб бўлиб келаяпти. Тинимсиз келишмовчиликлар баъзан тўғридан-тўғри тўқнашуларга айлиниб кетаяпти.

Ҳар икки республика ҳукумати бу масаладаги лоқайдлиги шу даражадаки, энди нафақат оддий тожик ва қирғиз фўкаролари, балки, ҳуқуқчи муҳофаз қилиш органлари вакиллари ҳамда чегара постлари ва отрядлари ҳарбийлари ҳам жанжалларда иштирок этмокдалар. Бунга мисоллар кўп. Жумладан, Тожикистоннинг Сомониён қишлоғи билан Қирғизистоннинг Май овули ўрталлиқдаги чегара йўлида шундай вазият юз берди: Бу ерда Қирғизистон милицияси ходими Тожикистон фўкароси машинасини тўхтайтиб, ундан 150 доллар талаб қилди. Ҳайдовчи Борух ақлавида бориш учун қўшни давлат чегарасидан юришга мажбур. Шу боис у пул беришдан бош тортиди. Таъма-гирлиги иш бермаган қонун хизматчиси табель қулоқини ўқталиб, тожик фўкаросини қирғизлар ҳудудига киришга мажбур этди ва шу заҳоти уни чегарачиларга топширди.

Орадан ярим соат ҳам вақт ўтмай, чегаранинг ҳар икки томониди 100-120 чоғли одам тўпланди. Улар жуда жиддий қўёва ва жангари ҳолатда эдилар. Иш шунгача бориб етдики, Тожикистон ҳудудига ҳам қирғиз фўкаросига тегишли бўлган машина ушланиб, эгаси гаровга олинди. Фақат икки чегара туманлари раҳбарлари, ҳуқуқчи муҳофаз қилиш органлари ва давлат маҳкамалари ҳамда оқсоқоллар аралашувида сўнгина жанжални бостиришга муваффақ бўлишди.

Қирғизистоннинг Боткент вилоятидаги тожик-қирғиз чегарасида вазият янада таҳликали. Бу

лар. Тожикларнинг босими зўрайган сари қирғизлар ўз жойларини арзон-гаров сотиб, жо-нажон уйлариини тарқ этишга мажбур бўлмокдалар. Уч-тўрт йил бурун йиғишма-ўттиш оила ўз жойларини ташлаб кетган бўлса, ҳозир юзлаб қирғиз оилалари бошига шу иш тушган. Тожик ақлави аҳолисининг шафқатсизларча руҳий ва моддий босими кундан кунга кучайиб, маҳаллий аҳолини қўлдан бери яшаб келган жойлари ва янгидан ўзлаштирган ерларини ташлаб кетишга мажбур этапти.

Шу билан бир вақтда қирғизларнинг тожик қўшниларига берадиган анчагина жиддий сараяволари тўлганиб қолди. Ушбу муаммолари масалаларнинг энг долзарбларидан бири шуки, собиқ президентнинг уқиси, апрель инқилобидан сўнг мамлакатни ташлаб қочган Жаниш Боқиев айнан Тожикистондан паноҳ топиб, яширинишга муваффақ бўлди. Яна бир шундай муҳим муаммо тожик нарқоқуыр ерларининг Қирғизистонни гиёҳванд моддалар транзит зонасига айлантириш мақсадидаги уринишларидир. Улар Қозғистон, Россия ва ундан нари мамлакатларга гиёҳвандлик моддаларини Қирғизистон орқали жўнатиш пайдалар.

Қўриб турибдики, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ушоби-тошиб етдиби. Аммо, шуниси ажабланишлик, шунча доллар вазифалар ечимини кутаётган бир пайтда Тожикистон босқинчилик сийсатини юриятиши яширинча давом этириб, барча шартнома ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузмокда. Энди Душанбедаги олий мансабли амалдорлар миясида ички орада разиллик ва босқинчиликдан иборат "Барбарос" режасининг пишиб етилиши қолди, холос.

Тожикистон фўкаролари қирғизлардан тортиб олинаётган ерларга аниқ мақсадларни қўлаб, мустаҳкам ўрнашиб олмокдалар ва айрим туманлар, айнқиса, Боткент вилояти Ворух ақлави ҳудудига аҳолига нисбатан босими кучайтирмокда-

МАҲБУСЛАР ОЛТМИШ КИШИНИ
ГАРОВГА ОЛИШДИ

бошқа турмалардан бир неча ҳафта илгари "Минима"га ўтказилган эди. Улар илгари қамқоқ муддатларини ўтаётган турмаларига қайтаришларини талаб қилмокдалар.

Венесуала ҳукумати маҳбуслар билан музокара-ларга киришди ва улардан бир нечасини аввалги жойларига қайтаришни маъқуллади. Аммо, маҳбуслар гаровдагиларни ҳамон қўйиб юбормай, ҳамма-ларини эски жойларига қайтаришга розилик бери-лишини талаб қилишяпти.

Венесуаланинг меъёрдагидан бир неча барабар кўп маҳбуслар сақланадиган турмаларида бундай галаён ва гаровга олишлар нисбатан тез-тез бўлиб туради. 2011 йил ёзда "Эл-Родео" турмаси маҳбусларининг галаёни 27 кун давом этди. Уларнинг хавфсизлиқни таъминлаш органлари билан тўқна-шувлари натижасида 30 га якин маҳбус ҳалок бўлди.

Мамлакатнинг пенитенциар муассасаларида 50 минг маҳбус сақланмокда. Ваҳоланки, улардаги жойлар 14 минг кишига мўлжалланган.

ФРАНСУА ОЛЛАНД –
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД

Франция Социалистик партиясининг собиқ етакчиси 57 ёшли Франсуа Олланд шу партиядан мамлакат президентлигига номзод бўлди. АФР агентлиги шу ҳақда хабар берди.

2,8 миллион овознинг 2 миллионга яқини ҳисоблаб чиқилган, Олланд 56 фоиз овоз билан олдинда бораётгани маълум бўлди. Унинг рақиби Мартин Обри 44 фоиз овоз олган. Бу партияда иккинчи тур овоз бериш эди. Биринчи турда ҳеч ким 50 фоиздан ортиқ овоз ололмаганди.

61 ёшли Мартин Обри Социалистик партиянинг ҳозирги етакчиси ҳисобланади. У ўз мағлубиятини тан олди ва президентлик кампанияси даврида Олландни қўллаб-қувватлашга сўз берди.

Франсуа Олланд социалистларга 1997 йилдан 2008 йилгача бошчилик қилди. Экспертларнинг баҳоратларига кўра, президент сайловларида айнан у етакчилик қилади. Чўчки, ҳозирнинг ўзидаёқ аҳоли ўртасида машҳурлик рейтингига амалдаги президент Николё Саркозини анча ортда қолдирапти.

Давлат бошлиғини сайлаш 2012 йилнинг апрелига мўлжалланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Спортлото ЛТД" МЧЖ корхонасига
тегишли қуйидаги енгил автомобилларни
сотувга қўяди:

- 1) Неёгия, маркази D GLE, 2004 йилда ишлаб чиқарилган.
- 2) Дамас, маркази D LX, 2004 йилда ишлаб чиқарилган.
- 3) ГАЗ 310290, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.
- 4) Газель, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.
- 5) Дамас, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.
- 6) Дамас, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.

Тел.: 937-91-11, 241-05-04.

"Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри" бошқармаси томонидан жисмоний шахс Нормухамедов Аббор Баходировича тегишли Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 14-мавзе, 11-уй, 1-хонадон "Сартарошхона"га 19.01.2009 йилда берилган ТА 0899082-сонли "Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси" йўқолганлиги сабаби

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳга ҳожат йўқ.

caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.